

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШЕВА НИЛУФАР ШИРИНБОЕВНА

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА ФОЛЬКЛОРГА ОИД ВОСИТАЛАРНИНГ
ПОЭТИК ФУНКЦИЯСИ
(Исажон Султон насри мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
filological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Тошева Нилуфар Ширинбоевна

Ҳозирги ўзбек насрида фольклорга оид воситаларнинг поэтик функцияси.....3

Tosheva Nilufar Shirinboyevna

The poetic function of folklore in modern Uzbek prose.....23

Тошева Нилуфар Ширинбоевна

Поэтическая функция фольклорных инструментов в современной узбекской
прозе.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....45

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШЕВА НИЛУФАР ШИРИНБОЕВНА

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА ФОЛЬКЛОРГА ОИД ВОСИТАЛАРНИНГ ПОЭТИК
ФУНКЦИЯСИ
(Исажон Султон насри мисолида)

10.00.02 –Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
В2018.4.PhD/Fil652 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Каримов Баҳодир Нурметович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жуманазаров Умрзоқ Абдураззоқович филология фанлари доктори, профессор
	Бобохонов Мавлон Раҳматиллаевич филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кун тарқатилди. (2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сирождинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол. ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д.

Д.Р.Юсупова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
ўринбосари, филол. ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида адабий жараён билан боғлиқ бадиий асар таркибида келадиган фольклорга оид воситаларни ўрганиш ва уни англаш зарурати филология соҳасида ҳам жиддий масалаларни кун тартибига қўйяпти. Ҳозирги адабий жараёнда гуманитар соҳаларда шакл ва мазмуни мукамал, сифат жиҳатидан янги илмий тадқиқотлар олиб бориш учун имкониятлар яратилди. Бундан унумли фойдаланаётган адабиётшунослик фани ҳам ўз объектига янгича нигоҳ билан қараш, фольклор билан боғлиқ адабий муаммоларни чуқурроқ англаш йўлидан бормоқда. Насрда халқ оғзаки ижодига хос хусусиятлар бадиий асарнинг ғоявий мазмунини ифода этишда жуда муҳим саналади. Табиийки, бу ҳол адибларнинг истеъдоди, бадиий маҳорати, тафаккур тарзига ҳам дахлдор. Ижтимоий муҳит доимо адабий-маънавий, маданий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Дарҳақиқат, бугунги давр кишилари онгу тафаккури, дунёқараши ва руҳиятидаги ўзгаришлар, энг аввало, адабиёт ва санъатда ўз аксини топади.

Дунё насрида фольклорга оид воситаларнинг поэтик функцияси муаммосига ўзига хос адабий-эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш, ижодкор бадиий маҳоратини очиш, ёзувчи асарларининг адабий мазмунини теран англаш каби долзарб илмий масала кун тартибига чиқмоқда. Бунда энг муҳим вазифа муайян халқ ижодида, тасвир ва ифоданинг янгича талқини билан боғлиқ. Адабий жараёнда янги давр адабиётшунослигида муҳим муаммо ҳисобланган замонавий наср таркибида келадиган фольклорга оид воситаларнинг поэтик функциясини махсус ўрганиш асосий вазифа этиб қўйилди.

Истиқлол йилларида ўзбек адабиётшунослигининг етакчи илмий-назарий мезонлари асосида бугунги адабий жараёнда ўз ўрнига эга адиблар асарларини тадқиқ этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида баҳолаш, миллий адабиёт ривожига халқ оғзаки ижодининг таъсирини атрофлича талқин қилиш, шунингдек, замонавий ўзбек насрининг ўзига хос қирраларини Исажон Султон ижоди мисолида далиллашга зарурат сезилмоқда. Зеро, "...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибордир..."¹ Бирор бир миллий адабиётда воқеа бўлган бадиий асарнинг инсонлар маънавий оламини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти уларнинг ўзига хос поэтик хусусиятлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4947-сон "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4797-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир" мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузаси / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. 4 август.

сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-1271-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилишида ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги ўзбек насрида фольклор воситаларининг поэтик функцияси жаҳон адабиётшунослигида муайян даражада ўрганилган. Жумладан, Х.Мозер, Х.Баузингир, М.Д. Фостер, Г.Шмидхенс, М.К. Азадовский, В.Б. Агрба, В.Я. Пропп, Г.А. Левинтон, А.А. Горелов, Д.Н. Медриш, У.Б. Долгат, В.Е. Гусев, Е.Г. Позднякова, Л.П. Бессонова² илмий мақола ва тадқиқотларида наср ва фольклорнинг ўзаро алоқадорлиги, фольклоризмнинг типологик турлари, уларнинг табиати, методологияси ҳамда назарий асослари тадқиқ этилган. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам фольклор ва ёзма адабиёт муносабати тадқиқ этилган бўлиб, бунда Н.Маллаев, Б.Саримсоқов, И.Ёрматов ва Ғ.Мўминов каби олимларнинг хизмати беқиёсдир. Улар ўз тадқиқотларида насрдаги фольклорнинг типологияси ва илмий асослари ҳақида назарий маълумотлар

² Ван Циншен.Историко-культурный туризм и развитие туристических городов/ Ван Циншен // Культура народов Причерноморья, 2002. - № 35. –С.11-15.; Moser H.Vom Folklorismus in unserer Zeit. Zeitschrift für Volkskunde,1962. № 58. –S.177-209.; Bausinger H. “Folklorismus” in Europa: eine Umfrage. Zeitschrift für Volkskunde, 1969. - № 65. –S.1-8.; Smidchens G. Folklorism Revisited // Journal of Folklore Research, 1999. - № 36. – S.51-70.; Foster M.D. The Metamorphosis of the Kappa: Transformation of Folklorism in Japan / Foster M.D. // Asian Folklore Studies, 1998. - № 57. –S.1-24.; Азадовский М.К. Статьи литературе и фольклоре.М. - Л.:Гослитиздат, 1960.; Агрба В.Б. Абхазская поэзия и устное народное творчество. Тбилиси, 1970.; Пропп В.Я. Фольклор и действительность. М.: Главная редакция Восточной литературы,1976.; Левинтон Г.А. Заметки о фольклоризме Блока. Миф - фольклор – Литература – Ленинград: Наука, 1978.; Горелов А.А. К истолкованию понятия «фольклоризм литературы». // Русский фольклор. – Ленинград: Том. XIX. Наука, 1979.; Медриш Д.Н. Литература и фольклорная традиция. Вопросы поэтики. – Саратов: Издательство Саратовского университета, 1980.; Долгат У.Б. Литература и фольклор. М.:Наука, 1981.; Гусев В.Е. Типология фольклоризма. – Кичкемет (Венгрия),1985.; Позднякова Е.Г. Фольклоризм прозы Н.М. Карамзина: Автореф.дисс.кан.филол.наук.Челябинск, 2003.; Бессонова Л.П. Фольклорные традиции в творчестве А.Т.Твардовского (на примере поэмы “Страна Муравия”) // Филологический вестник. Майкоп: АГУ, 2004.№ 6. –С. 108-115.

бериб ўтган³. Бундан ташқари, ўзбек адабиётида халқ оғзаки ижоди анъаналарининг ёзувчи ва шоирлар ижодига таъсири масаласи баъзи тадқиқотларда ўрганилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги совет адабиёти руҳи асосида ўша даврда тадқиқ этилган⁴.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён кафедраси режасининг “Ҳозирги адабий жараён масалалари” мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: маънавий меросимиз бўлмиш фольклор унсурларининг ёзма адабиётга кўрсатадиган ижодий таъсирини ҳозирги ўзбек насри, хусусан, истеъдодли адиб Исажон Султоннинг ижоди саҳнида кўрсатиб беришдан иборат. Бунда адибнинг бадиий маҳоратини кўрсатиш, адиб асарларидаги фольклоризмларнинг манбалари, уларнинг асар бадииятидаги роли ва поэтик вазифаларини белгилаш ҳамда фольклорнинг ёзма адабиёт

³Маллаев Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. – Тошкент: Фан, 1973.; Ўша муаллиф: Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Фафур Гулом НМИУ, – Тошкент: 2015.; Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. № 4. – Б. 37-45.; Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. № 2. –Б.55-58.; Ўша муаллиф: Стилизация характеридаги фольклоризмлар. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. № 3. –Б.31-35.; Ўша муаллиф: Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар хусусида. // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 1985. № 2. –Б.35-39.; Ўша муаллиф: Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е – начало 80-х годов): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985.; Мўминов Ғ. Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди. // Ҳамза ҳақида мақолалар. – Тошкент: Ўздаврнашр, 1960.; Ўша муаллиф: Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фан. д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 1994.

⁴ Собиров О. Ўзбек реалистик прозаси ва фольклор. – Тошкент: Фан, 1979.; Ўша муаллиф: Ойбек ижодида фольклор. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975.; Ўша муаллиф. Фольклор анъаналари ҳақида мулоҳазалар. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1968. № 6. –Б.24-27.; Ўша муаллиф: Ўзбек совет адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари. Ўзбек совет фольклори масалалари. 1-китоб. – Тошкент: 1970.; Каримов Н. Ҳамид Олимжон поэзиясида фольклор традициялари. // Ўзбек совет адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан, 1959.; Жалолов Ғ. Ҳамза драматургияси ва фольклор. – Тошкент: Фан, 1988.; Носиров О. Халқ ижоди хазинаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986.; Абдуҳамидов А. Фольклор ва миллий роман. // Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш. – Тошкент: Фан, 1991.; Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари. – Тошкент: Фан, 1990.; Сафаров О. Қуддус Муҳаммадийнинг фольклордан фойдаланишига доир. // Ўзбек совет фольклори масалалари. 1 китоб. – Тошкент: 1979. –Б.207-212.; Имомкаримова М. Ўткир Ҳошимов асарларида миллий кадрятлар: Филол. ф. д-ри. дисс. – Тошкент, 2004.; Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризмлар: Филол. ф. номз. дисс. – Тошкент, 2008.; Сулаймонов Ш. Ўзбек детектив насрида фольклор анъаналари роли: Филол. ф. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2002.; Хўжаев Т. XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор: Филол. ф. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994.; Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. – Тошкент: Истиклол, 2005; Абдирахмонов Т. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва таракқиётида фольклорнинг ўрни: Филол. ф. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994.; Асқаров С. Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. № 1. –Б.19-22.; Омилова М. Асқад Мухторнинг “Чинор” романи ва фольклор. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. № 2. –Б.7-12.; Абдиқулов Т. Болалар поэмачилиги ва халқ оғзаки ижоди. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. № 5. –Б.29-34.; Дониёрова Ш. Истиклол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қахрамон муаммоси: Филол. ф. д-ри. дисс. – Тошкент, 2012.; Нарзиқулова М. “Сабъан сайёр” достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини: Филол. ф. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2006.; Эшонкулова С. Нодира шеърлятида Хизр образининг бадиий талқини. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. № 6. – Б.74-76.; Мамажонов С. Адабиёт ва фольклор. Сайланма. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.; Қодиров П. Халқ тили ва романтик проза. – Т.: Фан, 1973.

билан муносабатида ўзаро боғлиқлик қонуниятларини ёритиб бериш кўзда тутилган.

Тадқиқот вазифалари:

замонавий ўзбек насри ва фольклор муносабатини ўрганиш;

Исажон Султоннинг бадиий тасвирлаш тамойиллари, услубига оид жиҳатларини аниқлаб, бошқа носирлардан фарқли ва ўхшаш томонларини очиб бериш;

фольклорга оид унсурларнинг замонавий адабиётдаги ўрнини тадқиқ этиш ҳамда ўзбек насрида фольклорга хос образлар таҳлилинини амалга ошириш;

Исажон Султон ҳикоялари поэтикасида фольклорнинг ўрни ва уларнинг ҳикоя композициясида тутган ролини аниқлаш;

ёзувчи қиссаларидаги халқона мотивларнинг ўрнини ўрганиб, адибнинг роман жанридаги асарларида учраган халқ оғзаки ижоди намуналарининг моҳиятини ёритиб, адиб романларидаги бадиий тасвир воситаларининг фольклор билан уйғунлигини услуб нуқтаи назардан кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёзувчи Исажон Султоннинг романлари, қисса ва ҳикоялари олинди.

Тадқиқотнинг предметини ёзувчи Исажон Султон насрида фольклорга оид воситаларнинг поэтик функциясини кўрсатиш, адиб асарларидаги фольклор унсурларини ўрганиб таҳлил этиш натижасида ўзбек халқ оғзаки ижодиёти намуналарига ҳам мурожаат қилиш масалаларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, таснифлаш, тавсифлаш ва герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳозирги ўзбек насрида фольклорга оид воситаларнинг поэтик функцияси миллий колорит сатҳида асосланган;

янги типдаги образларнинг психологик ҳолати тасвири, уларнинг системавийлиги, адибнинг янгича тасвир ва баён услуби, ўзига хос бадиий синтаксис яратгани далилланган;

замонавий наср шаклланиши, унинг китобхон онгига сингишида адибнинг ёзма адабиётда: халқ дostonлари, эртақлари сюжетида фойдаланиш маҳорати ва афсона, ривоят ҳамда мифларнинг насрда бадиий тажассум топганлиги аниқланган;

ёзувчи асарларида анъана ва новаторлик, асар сюжетида икки шахс муҳаббати асосига қурилиши билан боғлиқ романик код тушунчаси илк бор илмий муомалага киритилиши ва ундаги муаммолар очиб берилган;

ёзма адабиётга сингдирилган халқ фалсафаси элементлари логик фольклоризм номи билан илк бор аталиши ва мазкур тушунчанинг адабиётшуносликда янги ҳодиса эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

замонавий наср ва фольклор муносабатларининг муштараклиги; бу икки тушунча бири иккинчисини тўлдириши ва ўзаро уйғун тарзда эканлиги аниқланди;

назм ва насрда қўлланган фольклор унсурлари ва уларнинг поэтик вазифаси ёритилган тадқиқот ишлари қиёсланиб илмий-назарий умумлашма хулосалар чиқарилди;

замонавий насрда фольклорга оид унсурлар аниқланиб, уларнинг асар композициясидаги вазифалари кўрсатилди;

замонавий насрдаги фольклор хусусиятларининг қўлланилиши бевосита ёзувчи маҳоратига боғлиқлиги ва бу ундан каттагина билим, кўникма талаб қилиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда истиқлол даври ўзбек насрига хос муҳим бир хусусиятнинг илмий муаммо сифатида қўйилгани, замонавий ўзбек насри билан халқ оғзаки ижодининг ўзаро муносабати, хусусан, Исажон Султон асарлари тадқиқи орқали бугунги ўзбек насрида фольклорга оид воситаларнинг поэтик функцияси юзасидан умумлашма илмий хулосаларнинг тақдим этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти Исажон Султоннинг асарлари асосида халқ ижоди ва ёзма адабиётдаги поэтик тасвир анъаналарининг ўзаро муносабати ва вазифалари махсус тадқиқ қилинганлигида кўринади. Ушбу тадқиқот оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўзаро алоқаларини кенг кўламда ўрганиш, фольклор унсурларининг замонавий адабиётимизда тутган ўрни ва ёзувчи бадиий маҳоратини очиб беришда муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўзбек насрининг бадиий ривожини ва ёзувчиларимизнинг ўзига хос поэтик оламини алоҳида тадқиқ этиб, ёзма адабиёт ва оғзаки адабиёт муносабатларининг истиқболини асослашга қаратилган изланишлар олиб боришга йўл очиб беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертациянинг назарий маълумотларидан ва хулосаларидан адабиётшунослик ҳамда фольклоршунослик йўналишидаги тадқиқотларда, олий ўқув юртлари ва филология факультетларида замонавий адабиёт ҳамда халқ оғзаки ижоди фанлари бўйича маъруза, махсус курслар ўтишда, ўқув қўлланмалари, дарслик, методик қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ўзбек насрида фольклорга оид воситаларнинг поэтик вазифасини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

замонавий насрда фольклорга оид воситаларнинг бадиий асар композициясида тутган ўрни, уларнинг поэтик функцияси миллий колорит сатҳида асосланишига доир илмий хулосалардан 2008-2010 йилларда бажарилган ХТ – F2– 004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 январдаги 89-03-213 сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа

насрий асарларда фольклорнинг аҳамияти ҳақидаги илмий-назарий маълумотлар билан бойитиш имкони яратилган;

Исажон Султоннинг янги типдаги образларнинг психологик ҳолати тасвири, уларнинг системавийлиги, адибнинг янгича тасвир ва баён услуби, ўзига хос бадиий синтаксис яратгани ва адиб ижодидаги образлар нутқида учрайдиган халқ иборалари, мақолларнинг, ривоятларнинг асар бадииятидаги аҳамияти, улардаги айрим сўзларнинг тарихан фольклор унсурларига боғланиб кетишидаги назарий хулосаларидан 2012-2016 йилларда бажарилган FA-F1-ГОО2 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 14 январдаги 89-03-213 сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа насрий асарлардаги образлар нутқи, халқ иборалари, ривоятлар бадиияти ҳақидаги илмий-назарий материаллар билан бойитиш имконини берган;

замонавий насрда фольклорга оид воситаларнинг бадиий асар композициясида тутган ўрнига доир хулосалардан «Маданият ва маърифат» телеканалининг “Адабий жараён” кўрсатувида фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалли” давлат унитар корхонасининг 2019 йил 17 декабрдаги 01-14/488-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатув илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савиясини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 5 та, жумладан, 3та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр этилган, шулардан: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 9 та мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 157 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги ва амалий қиммати ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг “Замонавий ўзбек насри ва фольклор муносабати” деб аталган дастлабки боби икки фаслдан ташкил топган. “Фольклор воситаларининг замонавий адабиётдаги ўрни ва ўрганилиш масала-

си”деб номланган илк фаслида фольклорга оид воситаларнинг замонавий адабиётдаги ўрни ва уларнинг жаҳон ҳамда ўзбек адабиётшунослигидаги ўрганилиш масаласи, бунга доир қараш ва талқинлар умумлаштирилиб илмий жиҳатдан асосланган. Адабиёт ва фольклор орасидаги боғлиқлик масаласи, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жаҳон адабиётшунослигида кенг тадқиқ этилган. Ўзбек адабиётида ҳам фольклор ва ёзма адабиёт ўртасидаги муносабат ўрганилган ва ўрганилаётган тадқиқий жараёнدير. Адабиётшунослар томонидан олиб борилган фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларига бағишланган тадқиқотларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Мумтоз адабиёт ва фольклор муносабати масалалари тадқиқи;
2. Замонавий адабиёт ва фольклор муносабати масалалари тадқиқи.

Замонавий адабиёт ва фольклор муносабатлари тадқиқи доирасида амалга оширилган тадқиқот ишлари яна адабий турлар кесимида ҳам гуруҳларга бўлиб ўрганилди: а) *насрий асарларда фольклоризмларнинг тутган ўрнига бағишланган тадқиқотлар*; б) *шеърый асарларда фольклоризмларнинг бадиий вазифаларига бағишланган тадқиқотлар*; в) *драматик асарларда фольклоризмларнинг стилизациясига бағишланган тадқиқотлар*.

М.Нарзиқулованинг “Сабъаи сайёр” достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини”⁵, Т.Хўжаевнинг “XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор”⁶ мавзусидаги номзодлик диссертацияларида мумтоз адабиётимизнинг баъзи бир вакиллари ижодидаги фольклор мотивлари ва уларнинг поэтик вазифалари ёритилган.

Таснифнинг иккинчи гуруҳига Ғ.Жалолов, Н.Каримов, Ғ.Мўминов, О.Собиров, О.Сафаров, С.Асқаров, М.Омилова, Х.Дониёров ва С.Мирзаевларнинг халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт муносабатлари муаммолари ёритилган тадқиқотлар киради⁷. Жумладан, Сиддиқ Асқаровнинг “Абдулла Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари” мақоласида адиб ижодидаги дастлабки намуналарнинг ўзидаёқ фольклорни атрофлича ўрганиб чиққанининг гувоҳи бўламиз. Тадқиқотчи ушбу мақолада адибнинг “Бахтсиз куёв” драмаси, “Тошпўлат тажанг нима дейди?” ҳажвий ҳикояси, “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида фольклоризмнинг оддий кўри-нишларидан моҳирлик билан фойдаланганлигини исботлаган. Профессор

⁵ Нарзиқулова М. “Сабъаи сайёр” достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини: Фил. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006.

⁶ Хўжаев Т. XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор: Фил. фан. номз ... дис. автореф. – Тошкент, 1994.

⁷ Жалолов Ғ. Ҳамза драматургияси ва фольклор. – Тошкент: Фан, 1988. ; Каримов Н. Ҳ.Олимжон поэзиясида фольклор традициялари. Ўзбек совет адабиёти масалалари. – Тошкент, Фан, 1959. ; Мўминов Ғ. Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди. Ҳамза ҳақида мақолалар. – Тошкент: Ўздаврнашр, 1960. ; Собиров О. Ойбек ижодида фольклорлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. ; Сафаров О. Қуддус Муҳаммадийнинг фольклордан фойдаланишига доир. Ўзбек совет фольклори масалалари. 1 китоб. – Тошкент: 1979. –Б.207-212. ; Ўша муаллиф: Фольклор ва болалар адабиёти. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – № 6. - Б.20-26.; Асқаров С. Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. - № 1. –Б.19-22.; Омилова М. Асқад Мухторнинг “Чинор” романи ва фольклор. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. - № 2. – Б. 7-12.; Дониёров Х. Мирзаев С. Сўз санъати (Маҳорат ва тил ҳақида мулоҳазалар) – Тошкент: Ўздаврнашр, 1962.

Ғ.Мўминов диссертацияси⁸да адабиётимизда халқ ривоятлари ва эртакларини шеърӣ йўлда қайта ҳикоя қилиб бериш усули кўпайиб бораётганини таъкидлайди. Ҳозирда драматик асарларда фольклор мавзуси кам тадқиқ қилинган бўлса-да, Ғ.Мўминов ўз тадқиқотида баъзи драматик асарлардаги фольклор мотивларини ўрганади.

Хуллас, юқоридаги тадқиқотларнинг кўпчилигида назмда яратилган ижод намуналаридаги фольклоризмлар таҳлилга тортилган. Насрий асарларда бу муаммо кам ўрганилган. Замонавий насрда фольклор унсурларининг поэтик функцияларини аниқлаш мақсадида ёзувчи Исажон Султон ижодига мурожаат қилинди. Исажон Султон билан замондош бошқа ижодкорлар асаридаги фольклор мотивларига ҳам муносабатлар билдириб ўтилди.

“Насрий асарлардаги фольклор воситаларини таҳлил этишнинг илмий-назарий асослари” кўрсатилган иккинчи фаслида ўзбек насрида учрайдиган фольклорга оид унсурларнинг асар бадииятидаги ўрни, шунга кўра насрдаги фольклор кўринишлари тасниф қилинди. Фольклор унсурларининг ёзма адабиётга ижодкор томонидан сингдириб юборилиши адабиётшуносликда фольклоризм атамасини юзага келтирган. “Фольклоризм” сўзи илк бор XIX асрда француз фольклоршуноси Себия томонидан қўлланган. Бу термин “фольклор билан қизиқиш ва шуғулланиш” маъносини ифодалайди. XX асрнинг 30 йилларига келиб М.К.Азадовский бадиий адабиётда ва публицистикада фольклордан фойдаланишни “фольклоризм” деб атади. Шу асрнинг 60 йилларида “фольклоризм” атамасига халқаро тус берилди ва кенг миқёсда қўллана бошланди⁹. Ўзбек адабиётшунослигида “фольклоризм” атамаси камроқ қўлланиб, бу истилоҳ ўрнига “фольклордан фойдаланиш” бирикмаси кўпроқ ишлатилади. Адабиётшунос Б.Саримсоқов, И.Ёрматов ва тадқиқотчи Л.Шариповалар ўзларининг тадқиқотларида “фольклоризм” истилоҳини асослаб, унинг турларини таҳлил қилиб кўрсатишган. Замонавий насрда фольклоризмларга оид мотивларнинг деярли барчаси насрий асар бадиияти билан омухталашган.

Мавжуд илмий манбаларни ўрганиб, бугунги кунда адибларнинг насрий асарларида фольклор унсурларидан фойдаланишнинг фольклоризм характер хусусиятига кўра қуйидагича гуруҳларга бўлиб ўрганилди:

- 1) насрда мифологик образлардан фойдаланиш;
- 2) насрда мақол, ривоят ва афсоналардан фойдаланиш;
- 3) насрда олқиш ва қарғишлардан фойдаланиш;
- 4) насрда халқ кўшиқлари, удум, анъана ва урф-одатларни келтириш;
- 5) насрий асарларнинг эртак ва дoston сюжетига асосланиши.

Хуллас, насрда фольклор унсурларининг қўлланиши қуйидагиларда кўринади:

1. Насрда қўлланган фольклоризмлар бадиий асар сюжетида нақл, ривоят ва афсоналарнинг сингдирилиши ҳамда стилизацион қайта ишланиши билан ўз ифодасини топади.

⁸ Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Фил. фан. д-ри. дис. автореф. – Тошкент, 1994.

⁹ Литературный энциклопедический словарь . – М.: Советская энциклопедия, 1987. - С.469.

2. Фольклорга хос мотивлар насрда қўлланар экан ижодкорнинг фикр ва туйғуларини ифодалашда катта имкониятлар яратади.
3. Фольклоризмлар ушбу давр кишилари тақдири билан боғлиқ муаммоларни, уларнинг турмуш тарзи, реал ижтимоий ҳаёти ва орзу-истакларини ифодалашда муҳим аҳамиятга эга.
4. Насрда фольклор унсурлари қўлланилишига ва асар сюжетида тутган ўрнига кўра фарқланади.
5. Асар сюжетида фольклоризмларнинг услубига кўра очик ва ёпиқ қўлланган унсурларидан ҳам фойдаланади.
6. Адабиётда мотив, жанр, образ, ритм каби стилизацион фольклоризмларни учратиш мумкин. Ижодкорларнинг насрда бу фольклоризм кўринишларидан кўпроқ мотив стилизациясига мурожаати кузатилди. Назмда эса жанр, образ, ритм стилизацияси кўринишлари учраши аниқланди.

Тадқиқотнинг **“Исажон Султон насрида фольклор воситаларининг қўлланилиш кўлами”** бобидаги **“Ёзувчи ҳикояларида фольклорнинг ўрни”** деб номланган биринчи фаслида ёзувчи Исажон Султоннинг ҳикояларида келган фольклоризмларнинг поэтик вазифалари ҳамда қўлланилиш шакллари ёритиб берилган.

Энг муҳими, ҳикоя адабий-тарихий жараёнга доир уч замон хусусиятини мужассам эта оладиган ўзига хос бадиий жанр ҳисобланади. Жаҳон ҳикоячилиги контекстида бундай қараш ўзини тўла оқлаб келган. Айни пайтда, ўзбек ҳикоялари ҳам шундай фазилатлардан йироқ эмас¹⁰. Ижодкорнинг ҳар бир ҳикоясида фольклор унсурлари ўзига хос поэтик вазифа бажарган. Исажон Султоннинг қирқдан ортиқ ҳикояси мавжуд бўлиб, уларнинг деярли барчасида фольклор элементларидан фойдаланилган. Шунга кўра ёзувчи ҳикояларида фольклор унсурларининг қўллангани нуқтаи назаридан қуйидагича тасниф қилишимиз мумкин:

1. Мифологик рамзий образлар иштирок этган ҳикоялар;
2. Эртаққа хос сюжетга асосланган ҳикоялар;
- 3.Таркибида ривоят, нақл ва афсоналардан кистирма эпизод сифатида фойдаланилган ҳикоялар;
4. Оддий фольклоризмлар поэтик восита вазифасини ўтаган ҳикоялар;
5. Халқ дostonлари сюжетига асосланган ҳикоялар;
6. Урф-одатлар ва анъаналар тасвири етакчилик қиладиган ҳикоялар.

Ёзувчи ҳикоялари сюжетида фольклор унсурлари қўлланилиш ўрнига кўра сочик ва тизимли равишда кўзга ташланади. “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон” ва бошқа дostonлардаги қаҳрамонлар ўртасидаги муҳаббат, асар воқеалари муҳаббатга эришиш замирига қурилишдек эпик формула ёзма насрга кўчди ва ўзининг яхши самарасини берди. Адабиётшунос М.Нарзикулованинг таъкидлашича, “Баҳромнинг Дилором суратини кўриб ошиқ бўлиши мотиви “Кунтуғмиш” дostonидаги сюжетга ўхшайди”¹¹.

¹⁰ Жўракулов У. Хос калом хосияти. // Шарқ юлдузи. – Тошкент, № 3. 2013. – Б.132.

¹¹ Нарзикулова М. “Сабъаи сайёр” дostonида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини: Фил.фан. номз. ...дис.автореф. – Тошкент, 2006. – Б.10.

Исажон Султон “Тошкелинчак” ҳикояси қаҳрамони Назар қиёфасида Мажнунни яратган. У ҳам Уммугулсум ҳажрида куйиб, ўртаниб ёнишини тасвирлаган. Ҳикояда “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” достони сюжетиға мос келувчи ўринлар ҳам кўзга ташланади. Эпик сюжетнинг муҳаббат можароси замириға қурилиши, қаҳрамоннинг ўз муҳаббати йўлидаги интилишлари асосида воқеалар ривожини таъминлаш соф халқ эпосиға хос поэтик тасвир услубидир. Халқона эпик тасвир услуби ёзма адабиётнинг шаклланиши ва ёзма наср тараққиётида муҳим аҳамият касб этди. Ҳар қандай ёзувчи ўз асарида севги-муҳаббат, садоқат деталларини ёритишда бевосита ота-боболаримизнинг севги-муҳаббати, садоқати тасвири билан боғлиқ бадиий-эстетик қарашларига таянишини кузатиш мумкин. Қаҳрамоннинг севги-муҳаббатига эришиши мақсадидаги саргузаштлари асосиға эпик сюжетнинг қурилиши романик код вазифасини бажарган. Романик код – эпик турда асар бош қаҳрамонининг ишқий саргузаштлари ва кечинмаларига асосланишидир. Қаҳрамоннинг романик кечинмалари, ўз мақсадиға эришиши учун хатти-ҳаракатлари, муайян тўсиқларға дуч келиши ва тўсиқларни енгиб ўтиши пировардида ўз мақсадиға эришиши ёки эриша олмаслиги каби романик саргузашт интиҳосини тасвирлаш орқали муайян сюжет яратишидир.

Тадқиқотчи Р.Барт ўз тадқиқотида код тушунчасиға таъриф бериб, кодни: ҳаракат, воқеа-ҳодисалар кетма-кетлигини таърифловчи, тушунчаларни бирлаштирувчи, маданий, герменевтик ва символик каби кўринишларға бўлган. Масалан, герменевтик кодға таъриф қуйидагича берилган: “Герменевтик код асарни ҳикоя қилиш жараёнида пайдо бўладиган саволларнинг ва жавобларнинг таъриф ва тавсифиға айтилади ёки символик код деб ҳикоянинг ичида яширинган чуқур психологик мотивлар фонининг яратилишидир”¹². Биз ҳам юқоридаги илмий-назарий қарашларға таянган ҳолда романтик дostonлардаги севги-муҳаббат, қаҳрамоннинг севгилиси учун курашиш мотивининг насрга кўчирилишини романик код тушунчаси билан аташни лозим топдик. Исажон Султоннинг халқ дostonлари сюжетиға асосланган ҳикояларида ҳам романик коддан фойдаланиш етакчилик қилади.

Ҳикояларда қўлланган оддий ва мураккаб фольклоризмлар адиб маҳоратини кўрсатиб беришда, ҳикоялардаги фольклор мотивларининг асар сюжети ва композициясида тутган ўрнини ёритишда муҳим поэтик вазифаларни бажарган. Исажон Султон ҳикояларининг ишонарли, ҳаққоний чиқишини таъминлаш мақсадида шу кўринишдаги фольклор унсурларидан самарали фойдалангани аниқланди.

Бобнинг иккинчи фасли “**Адиб қиссаларида халқ оғзаки ижодига хос мотивлар**” деб номланган. Бу фаслда адибнинг “Онаизорим”, “Ҳазрати Хизр изидан”, “Муножот” каби қиссаларида фольклор мотивларининг учраш ҳолати тадқиқ этилган. Ёзувчининг “Муножот” қиссаида исм қўйиш анъанаси ҳақида сўз боради. Профессор Т.Мирзаев эпосдаги исм қўйиш мотивининг “Алпомиш” достони вариантларидаги талқинлари тўғрисида тўхталиб қуйи-

¹²Барт Р. Текстовый анализ одной новеллы Эдгара По. Избранные работы: Семиотика: Поэтика. – М.: Прогресс, 1989. –С.424-461.

дагиларни ёзган эди: қаҳрамон эпик биографиясида унга исм қўйиш ва шу билан боғлиқ равишда дуо қилиш ҳамда унинг келажакдаги баҳодирона йўлини олдиндан айтиш муҳим роль ўйнайди. “Алпомиш” достонида бу ҳолат ислом дини таълимоти доирасида сақланган. “Достоннинг Бекмурод Жўрабой ўғли вариантыда қаҳрамон туғилмасдан унинг отасининг тушида Хизр қандай исм қўйиш кераклигини айтса, Фозил Йўлдош ўғли, Берди бахши, Абдулла шоир, Эгамберди бахши вариантларида болалар туғилгач, Али ёки Хизр қаландар – девона қиёфасида келиб, уларга исм қўяди”¹³. Қиссада ҳам адиб қаҳрамонига исм танлашда халқ эпоси сюжетидадан фойдаланганлигини кўриш мумкин.

Адолат опа чақалоқни ҳали қорнидаёқ йиғлаганини айтганида, Малика хола унинг исмини Машраб қўйишини айтади. Аммо боланинг исмини Ғариб қўйишади. Халқимизда исм қўйиш билан боғлиқ анъаналар мавжуд бўлиб, агар уларга риоя қилинмаса, ҳар хил кўнгилсиз ҳолатлар юз бериши мумкинлиги кишилар эътиқодий қарашларида мавжуддир. Жума куни туғилган болага Жума, Жумақул, Жумабой, Жумагул; Рамазон ойида таваллуд топган болага Рамазон, Рўзигул каби исм қўйиш анъанаси мавжуд. Халқимиз орасида: “Бола исми билан келди”, деган тасаввурлар қадимий эътиқодий қарашлар натижасида шаклланган. Агар ота-она узоқ вақт фарзанд кўришмаган бўлса, Умид, Умида исмлари танланган. Отаси ёки онаси туғилиш арафасида вафот этса, Ёдгор ёки Ёдгора сингари исм қўйиш анъана тусини олган.

Халқимизда: “Бола туғилгандан сўнг Оллоҳ унинг исмини ота ва онаси кўнглига солади”, деган қараш мавжуд. Агар болага ўзига хос исмлар қўйилмаса, момоларимиз томонидан бола ҳаётда кўп азият чекиши айтиб ўтилган. Агар боланинг бирор жойида қизил доначалар бўлса, яъни холи бўлса, нори бор экан дейилиб, Анор ёки Анора қўйилган, танасида ортиқ жойи бўлса Зиёд ёки Зиёда, нуқсон жойи бўлса, Каромат, тиши билан туғилса, Бўригул ёки Бўрибой, хириллаши бўлса, Хуршид ёки Хуршида исмлари танланган. Ота-она назарида фарзанд бу исмлари билан айтилса, ундаги бундай нуқсонлар гўёки йўқолади деб ўйлашган. Қисса қаҳрамони Ғариб етти ёшга тўлади, у ўзининг тенгқурларидан ажралиб турарди. Ғариб кун бўйи ғалати юрар, у онасига ғалати гапларни айтарди. Бундан Адолат опа хавотирга тушиб Малика холага айтганида: “Ўғлингизнинг отини Машраб қўйишингиз керак эди. Энди умр бўйи қийналиб яшайди. Болага уч исм оғирлик қилади”¹⁴, - дейди.

Халқимиз бу анъанага катта қизиқиш ва эътибор билан қарайди. Ёзма адабиёт халқ оғзаки ижоди анъаналари бадиияти билан сайқаллантирилади. Ёзма ва оғзаки адабиёт қаҳрамонлари орасида генетик идентификация борлигини¹⁵ кўришимиз мумкин.

¹³ Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968.- Б.70-95.

¹⁴ Султон И. Асарлар. Романлар ва қиссалар. 2- жилд, – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2017. – Б.253.

¹⁵ Далгат У.Б. Литература и фольклор. – Москва:Наука, 1981. – С.125.

Идентификация – айнан ўхшатиш, тенглаштириш, бирдай қилиш¹⁶. Адабиёт ва фольклор доимий бир-бири билан алоқада бўлган, уларни ҳар вақт инсон омили боғлаб турган. Шу жиҳатга кўра улардаги деталлар бир-бирига боғлиқ ва ўхшашдир.

“Муножот” қиссаси қаҳрамони Ғарибнинг туғилишидаги ғайриодатийлик мотиви “Алпомиш” достони қаҳрамони Алпомишни эслатади. Ғарибнинг туғилишидаги ноодатийлик ва фавқулодда қобилятининг тез намоён бўлиши ҳам қадимги дostonларимизни ёдга солади. Алпомиш етти ёшида ҳеч ким кўтаролмайдиган камонни кўтара олади. Мажнун ҳали эмаклаб юрган пайтидаёқ, қаерда олов кўрса ишқ, оташмикин деб унга томон интилади. Ғариб эса табиат билан диллашишни хўш кўради. Ғариб табиат манзаралари, ҳодисалари, улардаги ўзгаришлар замирида улкан соҳир қудрат нафасини ҳис этиб туради. Ғарибнинг истеъдоди – табиат бағридан, гўзал манзаралардан ҳикмат топади¹⁷. Қисса қаҳрамони ёш бўлса-да ўзлигини англаб етган киши эди.

Адиб насрида фольклор унсурлари қаҳрамон характерини яратиш, асар воқеаларига фалсафийлик юклаш, асарнинг халқчиллиги, воқеаларнинг реаллиги ва миллий колоритнинг поэтик функциясини таъминлашга хизмат қилиши ўз ифодасини топди.

Адиб қиссаларида воқеалар ривожини таъминлаш ва асар бадиий ғоясини очиб беришда марказий нуқта вазифасини бажарадиган фольклорий мотивлардан бири бу этнографик фольклоризм саналади. Диссертацияда **“Исажон Султон романларида этнофольклоризмдан фойдаланиш маҳорати”** деб номланган учинчи бобнинг **“Адиб романлари структурасида халқ оғзаки ижоди жанрларининг қўлланиши”** деб аталган биринчи фаслида ёзувчининг “Боқий дарбадар”, “Озод”, “Генетик” романларидаги этнофольклоризмлар ўрганилган. Романлардаги халқ кўшиқлари, эртаклари, урф-одатлари, анъаналари, мифлар ва ривоятларнинг асар сюжети ҳамда композициясида тутган поэтик роли очиб берилган. И.Султоннинг “Генетик” романи аждоқларимизнинг умумбашарий ғоялари билан йўғрилган асар ҳисобланади. Романда “Лайлат-ул қадр ” кечаси ҳақида сўз боради. Бу кунни кўпчилик кутишади. Бу кун ҳақида халқ орасида кўпгина афсоналар мавжуд. Халқимизда Лайлат-ул қадр кечаси куни одамлар Хизрни учратади ва у одамларнинг мушкулларини осон қилади ёки шу куни лайлакка ўхшаган бир қуш учиб ўтади, қанотларини силкитганда одамларнинг дуолари ижобат бўлади, ҳатто ушлаб ўтирган нарсалари тиллога айланади деган қарашлар бор. Халқ орасида бу кунда содир бўладиган ёмонликлар ҳақида гаплар ҳам мавжуд. “Бир хотин шу куни боласини эмизиб ўтирган вақтда Лайлат-ул қадр келиб қолади. Шунда она суюнганидан ундан ҳар нарсаларни тилабди, сўнгра қараса, қўлидаги боласи ҳам тиллога айланиб қолган экан”¹⁸. Адиб асарда Лайлат-ул қадр кечаси ҳақидаги маълумотларни келтириш орқали роман

¹⁶ Русча-ўзбекча луғат 1 том. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013. – Б.410.

¹⁷ Раҳимжон Раҳмат. Сўнгсўз “Муножот”дан “Боқий дарбадар”гача. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б.255.

¹⁸ Исажон Султон. Ҳазрати Хизр изидан. – Тошкент: Фафур Фулом НМИУ, 2017. – Б.263.

бадийлиги фонида ҳаётгийлик мезони талабларини бажарган. Башариятнинг тарқалиш генини ислом дунёси билан боғлаб кўрсатган.

Романнинг “Убай ака” қисмида генида танти, адолатпеша, ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиған авлодлар қони оқаётганлигини китобхон англаб етиши учун Убай аканинг характер хусусиятларидан мисоллар олиб тушунтиради. Асарда ёзувчининг қайси қаҳрамонини учратманг барчасида ўзбекона характер, ўзбекона тарбия, ўзбекона руҳ сингдирилгани сезилади.

